

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2026-yil 29-yanvar, payshanba

№ 4 (9376)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

АҲОЛИНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИ ҲАМДА МОЛ-МУЛКИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш хизмати фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёти ҳамда мол-мулки дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, илғор хорижий тажриба асосида замонавий ёндашувлар жорий этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментига қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам айнан шу саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йилдаги тегишли фармон ва қарори ижроси доирасида Қўриқлаш департаменти Мииллий гвардиядан ички ишлар органлари тизимига ўтказилди.

Ушбу фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиқилиб, тегишли чоралар кўриди.

Техник қўриқлашни ташкил этиш ва аҳолига техник қўриқлаш хизматларини кўрсатишининг янги тизимлари жорий этилди.

Хусусан, кўп қаватли уйларнинг йўлакларига “ташвиш” тутмаларини ўрнатиш орқали қўриқлаш нарядларининг қамрови остидаги хонадонлар сони кескин оширилди, ҳимоя ордери берилган аёлларнинг хавфсизлигини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Объект ва хонадонларни қўриқловга олиш ишларида ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан ҳамкорлик

тизими йўлга қўйилди.

Натижада қўриқланаётган объектларнинг сони йил давомида 99 фоизга, қўриқдаги хонадонларнинг сони эса 118 фоизга ошди. Техник қўриқлаш марказларининг сони 19 фоизга, уларга хизмат кўрсатувчи тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларнинг сони эса 15 фоизга ошди.

Давлатимиз раҳбари хизмат биноси ховлисида хизматда қўлланилаётган махсус техника воситалари, дронлар манёври, жамоат тартибини сақлашга жалб этиладиган транспорт воситаларини кўздан кечирди.

Сўнг қўриқлаш техника воситаларининг кўرғазмали тақдими билан танишилди. Бу ерда “Хавфсиз шаҳар” концепциясини жорий этиш ва уни изчил ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йилдаги тегишли қарори билан белгиланган аниқ механизмлар амалиётга жорий этилиши натижасида республика миқёсида “Хавфсиз шаҳар” концепцияси босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Кўрғазма майдончасида юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган видеокузатув тизимлари ҳамда турли хил камераларнинг реал вақтда ишлаш

жараёни намоиш этилди, уларнинг техник имкониятлари тушунтирилди ва амалий тавсиялар берилди.

Тақдимоат доирасида айланма камералар, юз қиёфасидан шахсни аниқловчи камералар ҳамда давлат рақам белгисини аниқловчи камераларнинг имкониятлари кўрсатилди. Ушбу техник воситалар маҳаллалар, жамоат жойлари, объектлар, таълим муассасалари, шунингдек, шаҳар ва туманларнинг кириш-чиқиш нуқталарига ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда барча ҳудудий ички ишлар бошқармаларида сунъий интеллект асосида ҳудудларни онлайн кузатиш, тезкор қидирув ишларини олиб бориш, куч ва воситаларни бошқариш ҳамда жиноятларни “иссиқ издан” фош этишга хизмат қилувчи “Қалқон” ахборот тизими тўлиқ ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар ва қўриқлаш хизмати ишларни маҳалладан бошлаши, хонадонларнинг ҳолатини ўрганиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Тошкент мегаполис шаҳар эканини инобатта олган ҳолда, қонунбузарлик ва жиноят омилларини мунтазам таҳлил қилиш кераклигига эътибор қаратди.

“Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида ягона платформа, 13 та маълумотларни

қайта ишлаш маркази, ягона электрон ҳарита, 42 минг 750 та интеллектуал камера ҳамда 17 та ёнғин хавфсизлиги мониторингни тизими фаолият юритмоқда. Ушбу тизимлар концепциянинг асосий таркибий қисmini ташкил этади.

Жорий йилда ҳам вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда интеллектуал транспорт тизимлари, автотураргоҳларни бошқариш, экологик ва сейсмологик мониторинг, шунингдек, фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш тизимларини жорий этиш ва интеграциялаш ишлари давом эттирилаётгани маълум қилинди.

Хукуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органларининг “Хавфсиз шаҳар” ягона платформаси техник имкониятларидан уйғун фойдаланиши натижасида бир неча юз миллиард сўм бюджет маблағлари тежалаётгани қайд этилди. “Хавфсиз шаҳар” концепциясини жорий этиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси халқаро даражада ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу билан бирга, яратилган шарт-шароитлар натижасида Ички ишлар вазирлиги академиясида Рақамлаштириш департаменти учун замонавий талаблар асосида янги бино қурилиши бошлангани маълум қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

МУРОЖААТНОМА – ЮКСАК СТРАТЕГИК МАҚСАД, ҚАТЪИЙ МАСЪУЛИЯТ ИФОДАСИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЎТган йил 26 декабрда ПАРЛАМЕНТГА ВА У ОРҚАЛИ КўП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗГА йўллаган НАВБАТДАГИ МУРОЖААТНОМАСИ БУГУНГИ КУНГАЧА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМДА НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФЛАРИГА САЗОВОР бўлмоқда. ЖАҲОНДАГИ КўПЛАБ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ЭЪТИРОФ ЭТИШИЧА, АСЛИДА ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ОЛДИДА ЎЗ ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМА йўллаши ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎЗИГА ХОС ДЕМОКРАТИЯНИ ИФОДАЛАЙДИГАН НИҲОЯТДА МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲОДИСАДИР.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг бу сафарги Мурожаатномасида алоҳида қайд этилганидек, бутун инсоният қутилмаган қулфат ва талафотлар, ўта оғир синов ва қийинчиликларни бошидан кечираётган мураккаб геосиёсий вазиятда “содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали” бир замонда яшамоқдамиз. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилётган маълумотлардан қўриб турибмизки, дунё харитасининг кўплаб нуқталарида инсон кадр-қиммати, унга меҳр-муҳаббат сингари ноёб умуминсоний қадриятлардан тобора путур кетиб бораёпти. БМТнинг “Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш ишларининг ҳолати тўғрисида”ги ҳисоботида қайд этилишича, айти пайтда дунёда тўйиб овқатланмасликдан азоб чекаётган инсонлар сони 815 миллионга етган бўлса, қашшоқлик, дискриминация, қуроли моjarолар туфайли 262 миллиондан зиёд бола мактабга бoрoлмайдн, 617 миллионга яқин бегуноҳ болалар умуман ўқиш ва ёзиш қўнимчаларига эга эмас. Ўн гулидан бир гули очилиб улгурмасдан қуроли мажораларга тортилётган “аскар болалар” сони ортиб бoрmoқда. Айрим мамлакатларда қизларнинг бошланғич таълим билан қамрови 40 фоизга ҳам етмайди. Жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан ҳар йили тақдим этиб бoриладиган расмий ҳисоботларида бунданда аянчли маълумотларни учратишимиз мумкин. Лекин, шундай таҳликали ва қўрқинчли замонда “кўнгилни тўқ” қиладиган, қалбга таскин берадиган, эртанги кунга ишонч уйғотадиган ниҳоятда муҳим бир омил борки, бу – Янги Ўзбекистоннинг амалда сўнгги 8-9 йил ичида Янги Ўзбекистондаги том маънодаги демократик ислохотлар натижасида тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошди. Бундай юксак натижалар халқимизнинг, барчамизнинг қандай улкан ишларга қодир эканимизни яққол намоён этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



ГУАР – РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ДУККАКЛИ ЭКИН

ДУНЁДА БУГУНГИ КУНДА ИНСОНИЯТ ОЛДИДА ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ, СУВ ТАНҚИСЛИГИ, ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ ТОБОРА КЕНГАЙИШИ ВА ШЎРЛАНИШ КАБИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ СИФАТИДА ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ЮҚОРИ ОЗИҚАВИЙ ҚИЙМАТГА ЭГА НОАНЪАНАВИЙ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН.

Ушбу масалалар ечими сифатида тропик дуккакли экин – гуарни республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида парваришлаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш борасида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтига илмий-тадқиқот ишлари олиб бoрилmoқда.

Президентимизнинг ўсимликлар диверсификациясига қаратган катта эътиборлари туфайли кўплаб хорижий давлатлар селекциясига мансуб экин турлари, уларнинг дурагайлари, навлари олиб кирилди ҳамда уларни интродукция қилиш мақсадида тадқиқотлар йўлга қўйилди. Натижада кўплаб экин турлари табиий тупроқ-иқлим шароитимизга мос эканлиги аниқланди. Шундай экинлар орасида тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган, унумдорлигини тиклайдиган ҳамда кўк ўғит, ем-хашак ва дори-дармон сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ноанъанавий дуккакли экинлар кроталария, индигофера, киноалар муҳим ўрин эгаллайди. Яқин йилларда дуккакли дон экинлари қаторига янги ноанъанавий дуккакли экин – гуар қўшилиши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

МЕЛИОРАЦИЯ БИЛАН ТИЗИМЛИ, ДОИМИЙ ШУҒУЛЛАНИШ ЗАРУР

Сувни тежайдиган технологиялар қамровини йилдан йилга ошириш ҳисобига иқтисод қилинган сув миқдори ортмоқда.

Каналларни бетонлаштириш орқали эса сув йўқотишларини камайтиришга эришиляпти.

Президентимиз Мурожаатномада сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш тадбирларига 2026 йилда жами 3 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилишини таъкидлади.

Шунингдек, 1 минг 300 километр йирик магистрал каналлар бетон билан қопланади. Бунинг учун бюджетдан 3 триллион сўм сарфланади. Бу қўшимча равишда йилига 500 миллион куб метр сувни тежаш имконини беради.

(Давоми 3-саҳифада)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

“КЕЛАЖАК” МАРКАЗИ – ИСТЕЪДОДЛАР, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАРКАЗИ

Президентимизнинг тегишли қарорига биноан ўтган йили вилоят, туман, шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаблари негизига “Келажак” марказлари ташкил этилди.



“Келажак” марказлари қўшимча таълим сифатида ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаб, ўқувчи-ёшларни Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари, олий таълимга тайёрлашга хизмат қилади. Қарорга кўра, ўқувчи ёшларнинг турли хил касбларга бўлган қизиқиши бўйича STEAM, сунъий интеллект ва роботатехника, мобилография, инженеринг, дастурлаш, моделлаштириш каби янги тўғарақларини ташкил этиш тўғрисида илгари сурилган.

Бугунги кунда Хоразм вилояти



“Келажак” марказида ҳам янги гоғлар, ўзгариш ва янгилашни нафаси ҳукм сурмоқда. Марказда ўттизга яқин тўғарақлар фаолият юритмоқда. Халқаро талабларга мос билим ва касбларни ривожлантиришга қаратилган тўғарақлар

фаолияти босқичма босқич йўлга қўйилмоқда.

“Келажак” марказида бугунги кунда етти юзга яқин тўғарақ аъзолари ўз қизиқишлари бўйича қўшимча таълим олмақдалар. Уларнинг билим олиши, касб эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилиб, янгидан-янги истеъдодлар юзага чиқмоқда.

Шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлод истеъдодларини юзага чиқаришда, ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиб етишишларида “Келажак” маркази суянч ва таянч бўлиб хизмат қилади.

Асадбек ЮСУФ



ҚИЗАМИҚ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ ШАРТ?

ҚИЗАМИҚ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК. ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ. УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА НИМАЛАР САБАБ БЎЛАДИ. ДАВО ЧОРАЛАРИ ҚАНДАЙ? ЭНДИЛИҚДА БУ КАБИ САВОЛЛАР ҲАР ҚАДАМДА, ТИББИЙ ТАРБИЁТ ТАДБИРЛАРИ ЎТҚАЗИЛАЁТГАН МАҲАЛЛА. ТАШКИЛОТ, ЎҚУВ, ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА БЕРИЛИШИ ТАБИИЙ ҲОЛГА АЙЛАНДИ. БОИСИ, ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА АЙНИ ПАЙТДА ДУНЁДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ. БОРДИ-КЕЛДИЛАР, САЙЁҲЛАР СОНИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАЗИЯТГА ҲАМ ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТҚАЗДИ.

(Давоми 3-саҳифада)

МЕЛИОРАЦИЯ БИЛАН ТИЗИМЛИ, ДОИМИЙ ШУҒУЛЛАНИШ ЗАРУР

(Боши 1-саҳифада)

Сув ҳўжалиги вазирлиги хайъатининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг Мурожаатномасида сув йўналишида белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги асосий масала вазирлик тизимида 2025 йил якунлари ҳамда 2026 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топширқларнинг ижроси ҳақида бўлди.

Йиғилишни Сув ҳўжалиги вазири, хайъат раиси Ш.Хамраев олиб борди. Унда вазир ўринбосарлари, хайъат аъзолари, марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, тизим ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Худудларда сафарда бўлган мутахассислар ва жойлардаги сув ҳўжалиги ташкилотлари бошлиқлари онлайн қатнашди.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технология-



ларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан ўтган йилда жами 10 млрд. метр куб сув тежалди.

Вазир хайъат йиғилишида каналларни

бетонлаштириш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишлари билан бирга мелиорация билан тизимли ва доимий равишда шуғулланиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ёрдамчи ҳўжаликлар ташкил этиб,

ходимларнинг даромадини ошириш саъй-ҳаракатлари тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олишга, шу билан бирга соҳанинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилишга айтиб ўтилди.

Рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари устувор йўналишлар сифатида муҳокама қилинди.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

Вазир ва ўринбосарлари томонидан 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) ижросини таъминлаш ишлари таҳлилдан ўтказилди.

Вазир ўринбосарлари, хайъат аъзолари, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари сўзга чиқиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикрларини билдирди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

ҚИЗАМИҚ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ ШАРТ?

(Боши 1-саҳифада)

Маълумки, қизамиқ тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўллари, кўз шиллик пардаси, оғиз бўшлиғининг яллиғланиши ва терига қизил, йирик доғли тошмалар топиши орқали белги беради. Касаллик кўзгатувчиси вирус ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда, тупугининг майда томчилари ҳавога тушади, кейин нафас йўллари орқали соғлом бола организмга ўтади. Касалликнинг яширин даври 6-18 кунгача давом этиши мумкин.

Бу касалликнинг бошланғич даврида боланинг дармони куриб, инжик бўлиб қолади. Иштаҳаси йўқолиб, тез-тез ичи кетади. Катта ёшли болаларда бош оғриғи, қусиш, бурун қонаши, қорин оғриғи кузатилади. Тوشма топиш даврида бемор қайта иситмаламайди, томоғи қизаради, 4-6 кунга келиб ўзига хос қизил, йирик доғ тошмалар топиб, бир неча соатда бутун юзга ёйилади. Тوشма иккинчи кунни баданга, учинчи кунни қўл-оёқа тарқайди. Қизамиқда тери нам бўлиб, бироз қичиша-

учрайдиган касалликми? Йўқ. Қизамиқ вирусли касаллик бўлиб, одамдан одамга жуда тез юқади. Кўпчилик ўйлаганидек, қизамиқ фақат болалар касаллиги эмас. У ҳар қандай ёшдаги одамга юқиши мумкин. Катталарнинг юқори хавф гуруҳига талабалар, чет эллик саёҳатчилар ва тиббиёт ходимлари қиради. Қизамиқ ҳаво орқали, касалланган одамнинг бурун ёки сўлак ажралмаларидан юқади. Қизамиқ вирусни хона ҳавосида 2 соатгача сақланиши ва у ҳар қандай ёшдаги инсонни зарарлаши мумкин.

Қизамиқ вирусига қарши махсус препарат мавжуд эмас. Даволаш қизамиқ аломатларини камайтириш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган бўлади. Бу касалликни махсус даволаш усули ҳам ишлаб чиқилмаган. Фақатгина бактериал инфекцияли қулоқ касалликларида ва зотилжам касаллигида антибиотиклар тавсия этилади. Қизамиқ касаллиги балан оғриган болалар тўлиқ ва яхши овқатланиши ҳамда диария (ич кетиш) қузатилганда, гидратацион даво муолажаларини олишлари



ди, 3-4 кундан сўнг соғайиш даври бошланади. Юздаги тошмалар қорая бошлайди ва жигар ранг доғларга айланади.

Қизамиқ билан оғриган болалар уйда, оғирроқ ҳолларда, асорат билан кечганида касалхонада даволанади. Асосий аҳамият комплекс даволаш чора-тадбирларига қаратилади. Санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, бемор бўлган хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш ва тўла-тўқис овқатланишига эътибор бериш зарур.

Икки ёшгача бўлган, шунингдек, ёш, ниймжон болалар учун касаллик, айниқса, хавфли. 30 ёшдан ошган катталарда ҳам қизамиқ одатда оғир кечади. Шунингдек, тўйиб овқатланмайдиган ёш болалар, айниқса А витамини етишмайдиган ёки иммунитет паст болаларда асоратлари кўпроқ кузатилади. Шу сабабдан, уларни қизамиқдан жуда эҳтиёт қилиш керак. Ўн икки ойликдан бошлаб қизамиқ, қизилчага қарши эмлаш муҳим аҳамиятга эга. Бемор тузалгач, бир умрга организмда касалликка қарши иммунитет қолади. Касалликка юзати қараб, даво чоралари кўрилмаса, зотилжам (ўпка яллиғланиши), томоқнинг шишиши, ўрта қулоқнинг яллиғланиши (отит), ичак касалликлари каби асоратлар қолади.

Қизамиқ вирусининг ўзи келтириб чиқарган ёки иккиламчи бактерия туфайли келиб чиққан зотилжам касаллиги энг кўп кузатиладиган асорат ҳисобланиб, кўпинча касалликнинг ўлим билан тугашига сабаб бўлади.

Қизамиқ фақат болаларда

керак. Даво муолажаларига витамин А қўшиш билан касалликнинг оғир асоратларининг олдини олиш мумкин. Даво муолажалари вақтида 24 соат оралиғида 2 доза витамин А қўлланилиши болалар ўлимини 50 фоиз камайтиради.

Касалликнинг олдини олишда энг яхши восита профилактик эмлаш ҳисобланади. Аввало, касалликнинг олдини олиш учун беморни соғлом болалардан ажратиб қўйиш зарур. Қизамиққа қарши эмлаш муҳим аҳамиятга эга. 1967 йилдан бошлаб республикада қизамиққа қарши ёшпасига эмлаш жорий этилган. Қизамиққа қарши вакцина 50 йилдан ортиқ вақтдан буён ўзини оқлаб келмоқда.

Юртимизда аҳоли ўртасида қизамиқ ва қизилча касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида 1 ёшли болалар ва 6 ёшдаги болалар эмлаш календарига асосан эмланади.

Режали эмлашларни ўз вақтида олмаган, тиббий чеклови бор ёки бошқа сабаб билан эмлаш олмаганлар ёки ҳаёти давомида фақат бир марта эмланганлар яна бир марта эмланишлари шарт. Ҳар бир фуқаро қизамиқ ва қизилчага қарши 2 маротаба эмланиши керак. Эмланган фуқароларда албатта, касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлади, касаллик юқмайди, юқш эҳтимоли бўлганда ҳам, жуда енгил ўтади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,

Наманган вилояти

Санитария-эпидемиологик

осойишталик ва жомаот

саломатлиги бошқармаси

ахборот хизмати раҳбари,

“Соғлиқни сақлаш аълочилиси”

кўкрак нишонни соҳиби.



Аҳмад ИСМОИЛОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD),
“Шуҳрат” медали соҳиби.

(Боши 1-саҳифада)

Юқориди айтиб ўтганимиздек, ўта мураккаб трансформациялашув ва интеграциялашув жараёнида глобал савдо тизимида “ўйин қоидалари” ўзгараётган бир пайтда Мурожаатномада қатъий таъкидланганидек, “бу йил экспортимизни 23 фоизга ошириб, 33,4 миллиард долларга етказамиз. Энг муҳими, ислохотларимиз учун мустаҳкам молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 миллиард доллардан ошди. 2025 йилда 5 миллион аҳолиним даромади бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизгача тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Бу ишларни бошлаганимизда аҳолиимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида ашарди. Кредит, субсидия, компенсация каби юздан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “етилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қискарди. Натижада уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш бўйича олган маррамизни шу йилнингўзида урдаладик”.

Келтириб ўтилган ушбу статистика рақамлар инсонпарвар жамият ва халқпарвар давлат барпо этиш стратегия мақсад қилиб белгилангани ҳамда унинг ҳаётий рўёби учун изчил интилишлар натижасидир...

Энди бевосита ҳуқуқшунослик касбимдан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, ушбу муҳим органи ташкилий-институционал нуқтаи назаридан ҳамда тақомиллаштириш, янги жамиятдаги шиддатли ислохотлар талабларига мослаштириш мамлакатимиздаги ҳуқуқий сиёсатнинг энг устувор йўналишига айланганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Эътибор қилинг, биргина одил судлов фаолиятини тўлақонли амалга ошириш мақсадида кейинги 9 йилда 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, унинг ижросини самарали таъминлаш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, юқориди айтиб ўтганимиз сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар миллий суд тизимини қиёфасини тубдан ўзгартирди. Натижада, Ўзбекистон суд тизими тарихида олдин мавжуд бўлмаган, халқаро талаб ва стандартга тўлалигича мос келадиган бир қатор янги замонавий тузилма ва органлар фаолияти йўлга қўйилди.

Биринчидан, бу борадаги умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўла мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очиқ, ошқора ва муқобил тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон суд тизими тарихида биринчи марта судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим ва ҳал қилувчи органларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унга судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи, деган юксак мақом берилди. Миллий қонунчиликка кўра, Судьялар олий кенгаши ўзининг фаолиятини фақат қонунга бўйсунган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади. Кенгашнинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайтиди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Иккинчидан, миллий суд тизимимизда илк бор судьяларимизнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилиб, судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи қоидалар ўрнатилди.

Нуфузли халқаро экспертларнинг эътироф этишича, ушбу қоида БМТ Суд органлари мустақиллиги асосий принципларнинг 12-моддасида белгиланган судьялик

лавозимида бўлиш кафолатига тўла мувофиқ келади. Аҳамиятлиси, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асосларини прогрессив меъёрлар билан янада тақомиллаштиришга хизмат қилди ҳамда судьяларнинг алмаштирилмаслиги принципи таъминланишига олиб келади, шунингдек, судьялар судьялик фаолиятини амалга оширишида барча тузилмалар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий бўйруқозликларидан холи бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан молиявий мустақиллиги ҳуқуқий асослари яратилиб, адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди. Ушбу ўзгаришлар билан суд органлари фаолиятининг самарадорлиги учун энг муҳим бўлган омиг – молиявий, моддий-техник мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ ушбу ўзгариш суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органларининг билвосита таъсиридан чиқарилишига икон берди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатидан янги бир босқичи бошланиши билан, яъни, 2017 йилнинг 1 июнидан миллий суд тизими тарихида биринчи марта фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган маъмурий судлар ташкил этилди.

Суд тизимидики бундай ижобий ўзгариш ва тенденцияларни узоқ санаб ўтиш мумкин. Шу тизимнинг собиқ вакили, собиқ судья сифатида фикр-мулоҳазаларимни умумлаштириб айтишми мумкинки, суд органлари ҳамда судьяларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи юксалди.

Мурожаатномада ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш вазифаси белгиланди. Бунда асосий ёндашув суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, хусусан, одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этишни янада тақомиллаштириш, эндиликдаги вазифа терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, айниқса, жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали инсон омили қисқартирилиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Янги Ўзбекистон суд тизимини тубдан демократлаштириш, бунинг учун суд органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш муҳим вазифалар қаторида белгиланди. Мурожаатномада адолатли суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштиришга қаратилган энг муҳим ғоя ва ташаббуслардан яна бири жорий йилдан тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатларини бериш масаласи бўлди.

2025 йил 1 январдан мамлакатимизда жиноят ишнни судга қадар юртишида тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда ҳолислик ҳамда беғаразликни таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида Тергов судьяси лавозими жорий этилди. Айтиш керакки, суд тизимида нисбатан янги институт – тергов судьясининг вужудга келиши одил судловни амалга оширишнинг ниҳоятда муҳим омилларидан бири ҳисобланадиган суд назоратининг самарали амалга оширилиши, инчунун ишни судга

қадар юртишида ҳақиқий ва қонуний тортишув муҳитини яратиш имконини оширди. Сабаби, айнан ҳимоячининг илтимосномасини ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмаслиги туфайли кучлар мувозанати яратилди. Бу эса, жиноят процессида ҳимоячи мавқеининг янада ошишига, унинг исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқи таъминланишига амалий таъсир кўрсатади. Ишончли далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга ушбу ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини кафолатлайди.

Юқоридигилардан келиб чиқиб айтганда, Мурожаатномада суд процессида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган Тергов судьясига қўшимча ваколатлар бериш билан унинг фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланмоқда. Эндиликда тергов судьяси ўзи рухсат берган қамоққа олиш, ўй қамоғи ёки гаров эҳтиёт чорасини ўзи ўзгартариши, қонуний деб топса, уни бекор қилиши мумкин. Шунингдек, айбланувчига нисбатан қўланилган паспорт ҳаракатини чеклаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқишни тақиқлаш, мол-мулкни хатлаш ёки телефонлар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш каби процессуал мажбурлов чораларини ҳам бекор қилиши мумкин. Мурожаатномада Президентимиз томонидан айна пайтгача миллий суд тизимимизда мавжуд бўлмаган янги бир институтни татбиқ этиш ғояси илгари сурилди. Яъни, “энди жиноят процессига инглиз ҳуқуқидоги давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари хайъати” институти босқичма-босқич жорий этилади. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқирилиши суд ҳокимининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади”. Гап шундаки, суд тизимида “халқ вакиллари хайъати” институтининг жорий этилиши, биринчидан ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти шароитида судда энг муҳим демократик институтлардан бири шаклланишига эришилади. Иккинчидан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунинг баробарида жамият манфаатларини суд органлари орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлаш имконияти ортишига олиб келади. Учинчидан, давлат органларининг зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини кенгайтиради. Қолаверса, суд тизимида манфаатлар тўқнашуви (коррупция) ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уни таҳлил қилиш, бу илатга қарши самарали курашиш, унинг олдини олиш механизмларини тақомиллаштиради.

Президентимиз жорий йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилди. Кўп миллилати халқимиз ушбу ташаббусни катта қувонч ва хайрихоҳлик билан қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттиришга қаратилган ғоя ва ташаббуслар мантиқий изчилликка асосланганлиги ва бир-бирини тўлдириб бораётганлиги яққол кўриниб туради. Уларнинг туб негизида инсон, унинг манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари инсонпарвар ва адолатпарвар ғоялар ётади. Ушбу ғояларнинг ҳаётий ижросини таъминлаш кўп сонли ҳуқуқшунос кадрлар, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг судьялар корпусига, суд тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бунинг учун биринчи навбатда судьяларимиз нафақат профессионал касб фаолиятини амалга оширишда, балки қуналиш ҳаётида ҳам “судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт”, деган ҳаётий шиорга қатъий амал қилишлари шарт.



Гарчи кеча ҳақда ўйлайман ҳозир,
Бугунни эртага соғинар юрак.
Тарихга айланар эртага ахир,
Бугун юрганимиз — ҳар йўл, ҳар йўлак...

Ҳатто камалакда кўрдим Ватанни...

Кўз очиб кўрганим шу мўъжаз олам,
Онамнинг бағридан унга бўйладим.
Кўлпларидан маҳкам тугиб отамнинг,
“Қачон улғаяман?”, дея уйладим.

Лалми қир, дарахтлар, кўн-кўк майсазор
Ва тоғлар оширди ҳавасларимни.
Тунда ойни кўриб, кундуз куёшини
Ҳайратдан тишладим бармоқларимни.

Илк бора юлдузни кўрганим маҳал, у менга талпинган эди кўрққандим. Эсимда, совуқдан титрарди дир-дир, январда туғилган жажжи кўзичоқ, уйга олиб келинг, деб йиғлагандим, онам хавотирда, опамлар хайрон, отамнинг жаҳли ҳам чиққан менимча, аммо яхшилик-ла тугади бари: иссиқ кўрпачага ўрадим шу чок...

Ҳар кун янгиланар теграмда савол, безор қилгандирман ота-онамни, мактабга йўл олдим, шиддат, шахдим зўр, лек хали билмайман ўқиш-ёзишни, муаллим сабоғин жон қулоғим-ла, тинглаб англагандай бўлдим Ватанни...

Хандалак исиди уни ҳис қилдим, онам нон ёпганда ўйладим уни, қорлар кечиб бордим олис мактабга, ёмғирларда қайтдим айтиб қўшиқлар, тўсатдан-тўсатдан камалак пайдо, ҳатто камалакда кўрдим Ватанни...

Бир кун тоғ бағрига йўл олдик шодон, албатта ҳамроҳим бу пайт катталар, қувончи ҳис қилдим илк бора чиндан, қандай шодланмайин, қувнамай қандай, долалар, гиёҳлар териб ҳайқирдим... овозим борича шунда вожаб, акс-садолар қайтди дарҳол самодан. Ўзимга бўйсунмас ўй-хаёлларим, нимага ҳайқирдим, чорладим кимни? Аммо англаганим бир нарса аниқ: Ватан эшитаркан овозларимни! Ўрнини бўшатди йиллар йилларга, қўлар қабарди мунис онамнинг, отамнинг

Ўзимга бўйсунмас ўй-хаёлларим, нимага ҳайқирдим, чорладим кимни?
Аммо англаганим бир нарса аниқ: Ватан эшитаркан овозларимни!



Шерзод АБДУСАМАД,
шоир

Бугун ўзим чолғу,
ўзим куйман, ота

Кўп ўйлайман, бунча сирга тўла дунё,
Гоҳ беғубор, гоҳо кирга тўла дунё,
Бахт, омад деб билганим гоҳ бўлди рўё,
Ҳаммага тенг ёқиш жуда қийин, ота,
Англаганим, ҳаёт асли ўйин, ота...

Салом бердим, гарчанд ёшу қарига,
Раҳмат айтдим, нишин санчса арига,
Хилватларда кўнгил бердим парига,
Аёл макри олдида мен кимман, ота,
Гапирганда, гапирганда... жимман, ота...

Қорлар кураб йўл очдингиз мактаб томон,
Соғинаман шу йўлларни мактаб ҳамон,
Сўзлаб берсам, ишонмайди, қизим хайрон,
Бугун ўзим чолғу, ўзим куйман ота,
Ўша йўлдан бир бор юрсам дейман, ота.

Қизиқишим ортганида сийму зарга,
Гоҳо ҳавас қилганим бор тиллоларга.
Кейин кўзим очиб, боқиб дунёларга,
Унинг ёлгон эканлигин билдим, ота
Дунё зўрди, деганлардан қулдим, ота...

Гоҳ ўйлайман, боқиб олис изларимга,
Ишонувчи одам борми сўзларимга?
Ўртак бўлсам дейман, ўғил-қизларимга,
Танбех берсам, қизаради юзим, ота,
Кечагина бола эдим ўзим, ота,
Бир қулоқсиз бола эдим, ўзим ота...



Эълон

“Maxam-Chirchiq”

aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

“Maxam-Chirchiq” aksiyadorlik jamiyatida ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlar va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Buxoro viloyati hududida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida, maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertida 2026-yil 30-yanvar soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Tanlovda ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot olish uchun pochta manzili:

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi 2-uy.

Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08.

E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz



ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИНГ!

Бино ва иншоотлар қурилиши, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал тўжмирлашда ёнғин хавфсизлиги қоидалари” меъёрий ҳужжати талабларига мувофиқ ташкиллаштирилади.

Бу жараёнда ҳеч бир ҳолатни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Айниқса, электр билан боғлиқ ишларда ниҳоятда синчалик, эҳтиёткорлик зарур. Масалан, қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинмаган симлар маҳкам тирговуч ёки тросларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5, ўтиш жойларидан 3, ўтиш йўлларидан 6 метр баландиқда бўлиши керак. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнувчан моддалар, 10 метргача портлаш хавфи юқори бўлган модда ва ускуналар, шу жумладан, газ баллонлари ва газ генераторларидан бўшатилиши

керак. Иш тугаши билан барча электр асбоб-ускуналар токдан узиб қўйилиши, электр энергиясини ўчириш марказлашган бўлиши лозим.

Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумин. Яратувчанлик ишларига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизликларини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

Санжар САИДМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар ФВББ ШСПБ
катта инспектори, капитан.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-ракам билан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳажми 2 босма табоқ. Оффсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси – 144. Буюртма Г-117. 3380 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қўрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоис келишилган нарҳда.

Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Ён дафттардан



Ёмғир ёғаяпти. Майдалаб, бир текис. Майин. Бир пайтлар шунақа ёмғирда сайр қилишни ёқтирардим. Аста-аста юриб, хаёл суриб... Бугун деразадан кузатиб ўтирибман. Ўйчан, диҳуш.

Шунисига ҳам шукур.
Ҳаёт шу! Унинг асл мазмуни шундан иборат.

• • •

Ҳаётда ҳар қадамда муаммо... Кўп ўйлайверма, асабийлашаверма. Барибир ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан.

Ҳаётда ҳар қадамда шодлик, қувонч. Кўпам ҳаволанаверма. Бу дунёда ҳамма нарса вақтинча эканини унутма. Ҳаммасини қандай бўлса шундайлигича қабул эт! Шуларни кўраётганингга шукур қил.

• • •

Куз. Нақадар гўзал фасл. Рангларнинг ранго-ранглиги кўзни қувнатади. Ўрикни кузатиб кўринг-а! Қанча барги бўлса шунча ранг бор. Бири иккинчисига ўхшайдиган баргни топиш қийин.

Инсонлар ҳам шунақа. Бири-бирига ўхшаш ик-кита одам йўқ.

Буларнинг бари Оллоҳнинг мўъжизалари.

• • •

Ажаб. Ёшлигимда баҳорни яхши кўрар эдим. Ҳар бир гулдан, унинг япроқларидан, гул баргида ярқираб турган тонгги шудрингдан гўзаллик қидираб эдим. Ва топардим. Ич-ичимдан суюнардим.

Баҳорда шиддат бор. Интилиш, ёриб чиқиш, ўзини намоён этиш иштиёқи бор.

Баҳор баҳор-да.

Энди кузнинг ошuftасиман. Бу фаслнинг сокин-лиги, вазминлиги ёқади. Гарчи эрта-индин тўкилиб тушишини билса-да, “қуёшнинг эринчоқ ёдуларида нафис” (А. Орипов) ялтираб турган баргларнинг гўзаллиги, қатъияти ром этади.

Табиат кузи билан умр кузи уйғун келаётирми-кан, деб ўйга толаман.

• • •

Инсон фақат қорин ғами билан яшамайди, дей-миз. Тўғри!

Аммо нимадир қилиш учун ҳам қорин бўш бўл-маслиги керакми? Қорин ортиқча тўқ бўлса одамда эринчоқлик, дангсалик кучаяди, уйқу элитади.

Менингча, уйқудан ҳам кўра кўпроқ манманлик, кибр пайдо бўлади.

Баъзи раҳбарларнинг ақл бовар қилмас даражадаги бемаъни ишларини кўриб, шу фикр тўғри шекилли, деган хаёлга бораман.

Йўқ, уларнинг қорни шунчаки, ҳамма қатори тўқ эмас, ҳаддан зиёд тўқ. Ақл-фаросатта, ўйлашга, фикр қилишга жой қолмаган. Уларнинг ўрнини ҳам ёғ босган.

Олоҳ ўзи асрасин...

• • •

Томчида қуёш акс этади. Тўғри ўхшатиш. Тўғри фикр. Фақат бир кун келиб ўша томчи “Мен қуёшман” демаса бўлди.

• • •

Соҳилда денгизнинг қудратига маҳлиё бўлиб, хаёл суриб ўтирардим.

Сафарим тугади, эртага уйга кетаман.

“Альвидо, зўр қудрат, асов, ғалаён” (А.Пушкин) Бир тўп чорлоқлар бири қўйиб бири денгизга шўнғиб, балиқ олиб чиқади.

Бир маҳал чорлоқлар баланд овозда чариллаб қолди. “Нима бўлди экан?”, деб уларни кузатдим. Балиқ ушлашни ҳам йиғиштириб, чариллаб айлана-рди. Эътибор берсам, уларнинг орасига кичкинагина бир қушча кириб қолибди. Ўша қушча чорлоқлар тўдасидан ажралиб чиқиш ҳаракатида. Чорлоқлар уни таъкиб қилаяпти.

Нима бўлди-ю, қушча тўдадан ажралиб чиқди ва жон ҳолатда қочди. Чорлоқлар чариллаб уни қува кетди.

Мен қизиқиш билан бу манзарани кузатдим.

Қушча ҳам, чорлоқлар ҳам кўздан ғойиб бўлди. “Шу кўйи бошқа жойга кетди булар”, деб ўйладим.

Ишонасизми, орадан йигирма дақиқа ўтдим, ярим соатми, чорлоқлар қайтиб келди. Бояги жойида ҳаммаси жам бўлиб, яна балиқ “овлашни” давом эттирди.

Улар орасида ҳалиги митти қушча йўқ эди. Де-мак, чорлоқлар қушчини қаёққадир узоқ-узоқларга ҳайдаб юборган ёки тутиб олиб ўлдирган.

Тўдасига бегона аралашмаслиги учун ҳаммаси ҳамжиҳат бўлиб курашганига қойил қолдим. Ҳолбу-ки, ўша қушча жуда кичкина, чорлоқнинг қалласига ҳам келмас эди. Чорлоқлар учун у худдики душман эди. Душмanning эса катта-кичиги бўлмайди.

Қушлардан ҳам кўп нарса ўрганиш мумкин.

Мутолаа жараёнидаги ўйлар



Китоб – Оллоҳ инсонга ато этган улуг, бебаҳо неъмат – тафаккур маҳсули.

• • •

Китоб шунчаки қоғоз эмас, балки турли ёшда-ги, турфа характери, ҳар хил касбдаги ўнлаб, юзлаб инсонлар тўпланган маскан.

• • •

Қайта-қайта ўқийдиган китобларим қахра-монларини тирик инсон каби тасаввур қиламан. Уларнинг наинки гап-сўзларини, ҳатто қадам товушларини нафас олишини ҳам эшитаман.

• • •

Нега айрим китобларни ўқиганда йиғалаймиз, баъзи китобларни мутолаа қилганда қуламиз? Нега шундай?

Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикояси қахрамо-ни ярим кечаси хотинидан носим қаерда, деб сўрайди. Хотини нима қиласиз, дейди. Мини бозорга бориб келаман... Нима қилардим носни, чекаман-да, дейди эр.

Хўш, бу сатрларни ўқиб қулмайсизми? Мен ке-часи ёлғиз ўзим ўқийётган эдим, беихтиёр баланд овозда қулиб юборганман ва ўзимнинг овозимдан ўзим хайратга тушганман.

Булар қанчалар завқ, қанчалар роҳат бағи-шлайди инсонга.

• • •

Грузинларда келин-қувёв никоҳдан ўтаётганда Шота Руставелидан ўқиб бериши, келиннинг сепида “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” китоби бўлиши шарт экан.

Кани эди бизнинг ёшларимиз ҳам Алишер Навоийданми, Бобурданми лоақал тўрт мисра ўқиб берса. Келинларимиз сепида хориж кийим-кечаклари қаторида Навоий ҳазратларининг биронта китоби бўлса...

• • •

Шундай хонадонларни кўрганман. Жуда ноёб, китобат санъатининг юксак намуналари асосида босилган китоблар чиройли жавонларга чиройли қилиб териб қўйилган. Шўрлик китоб-лар очиб ҳам кўрилмаган. Бундай ҳолат менга

“олтин қарасдаги булбул” каби кўринган. Кимдир яхши китобга зор, кимнингдир уйида китоб хор.

• • •

Китобга жонли мавжудот сифатида қарамоқ керак. Йиллаб ўқилмай ётган китоблар ичида юзлаб инсонлар ўз дардини тўкиб, чинакам дўст-ларини кутиб ётади. Уларга шафқат қилиш керак.

• • •

Китоб ўқиш кўнглиг эҳтиёжига айланиши лозим. Яшаш учун овқат ейиш қанчалар зарур бўлса, китобхонлик, мутолаа ҳам шу даражада заруриятга айланмоғи даркор.

• • •

Яхши китоб учун на тузумнинг, на-да давр-нинг, на сиёсатнинг аҳамияти бор. Умри боқий китоблардан ҳар бир замон кишиси ўзи учун керакли нарсани топа олади.

• • •

Китоб – беминнат, таъмасиз дўст, сабрли суҳ-батдош. У бизга билим, маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади, эвазига ҳеч нарса сўрамайди.

• • •

Китоб қаҳрамонларидан дўстингиз борми? Китоб қатидаги гўзаллардан кимнидир севиб қолганмисиз?

Агар шундай бўлса, сиз бахтли одамсиз...

• • •

Ҳаддан зиёд камтарлик манманлигининг бир кўриниши.

• • •

Бирон хайрли ишни бир киши бошлайди, югуриб-елиб амалга оширади. Иш битгач, уни бажарган “фидойилар” кўпайиб қолади. Бун-дайларни халқимиз ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дейди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАХМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Ранмқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).



Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 19.00